

Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 229-ҳадис

229 - وَعَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «الْمُؤْمِنُ لِلْمُؤْمِنِ كَالْبُنْيَانِ يَشْدُدُ بَعْضُهُ بَعْضًا». مُتَفَقُّ عَلَيْهِ. [خ 2446، م 2585]

229. Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мўмин мўмин учун бир бино кабидир, бири бирини тутиб туради», дедилар».

Муттафақун алаӣҳ.

Шарҳ: Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган бу ҳадисда бино деворлари бир-бирига мустаҳкам ёпишгани каби, мўминлар ҳам бир-бирларига маҳкам боғланмоқлари лозим эканлиги уқдирилмоқда. Бинони ташкил этган унсурлар орасида тош, темир каби нарсалар бўлганидек, қум ва шиша каби нозик нарсалар ҳам мавжуд. Лекин барчаси биргалиқда бинони маҳкам тутиб турибди. Инсонлар, ана шу бино каби жисплашган, бир-бирини суяган бўлишлари керак. Кучлилари доим заифларни суяб турмоги, улар билан елкадош, ҳамнафас бўлмоғи лозим. Чунки мустаҳкам бўлмаган бинонинг йиқилиши муқаррар, бундан Аллоҳнинг ўзи асрасин.

Ушбу ҳадис мўминларни жамоа бўлиб яшашга, ўзаро ҳамжиҳатликда умр кечиришга ташвиқ этмоқда. Зоро, инсон ёлғиз ҳаёт кечириши имконсиз. Масалан, бир бурда нонни тайёрлаш, пишириш учун нақадар кўп асбобускуна ва меҳнатга эҳтиёж сезилиши барчага аён. Демак, инсонлар зарар эмас, фойда келтирувчи, хом эмас, пишган бўлиши, ноқис эмас, комил бўлиши лозимдирки, Ислом жамияти кундан-кунга ривожлансин ва юксалсин. Аксинча, ҳар ким ўзи билан ўзи овора бўлиб, заифу мискинларга нисбатан меҳр-муҳаббат бўлмаса, Ҳақ таоло ундан асло рози бўлмайди. Ана шу вақтда фарёду фиғонлар бошланади. Исёнлар, норозилик чиқишлари ва бошқа фалокатлар рўй беришининг сабабчилари мусулмонликни даъво қилувчи, аслида Исломдан бехабар бўлган шўрлик гуруҳлардирки, улар аҳли Исломнинг бошига бало бўлурлар.

Мусулмонларнинг таназзулига энг катта сабаб – мусулмонларнинг ҳақиқий

мусулмон бўлмай, илм ва давлатларига мағурланиб, фақирлару заифларнинг ҳақларига риоя қилмасдан, уларга исломий ва инсоний мумомалада бўлмасликлариdir. Шу боисдан ҳам улар охират саодатларидан маҳрум бўлгайлар.

Манба: hadis.islom.uz

